



Аллоҳ таоло айтади: «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оғанинилардир» (Хужурот: 10).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Мусулмоннинг мусулмон устида бешта ҳаққи бор: Саломига алик олиш; касалини бориб кўриш; жанозасига қатнашиш; чақирилган жойга бориш; акса ургангага (ярҳамукаллоҳ деб) ташмит айтиш» (Муттафақун алайҳ).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Бир-бириңизга ҳасад қылманглар, таножуш қылманглар (яғни, сотиб олиш қасди бўлмаган ҳолда бошқа бирорни қизиқтириш учун бириңиз бошқа бириңизнинг молини ошиқ нархда сўрамасин), бир-бириңизга адоват қылманглар,



бир-биргиздан юз ўгирманглар, бирингиз бирингизнинг савдоси устига савдо қилмасин, ўзаро биродар бўлинг эй Аллоҳнинг бандалари! Мусулмон мусулмоннинг биродариdir. Унга зулм қилмайди, уни ёрдамсиз қўймайди, уни камситмайди. Тақво мана бу ерда - қалбларига ишора қилиб уч марта шундай дедилар, - мусулмон биродарини камситиши кишининг ёмонлигига кифоядир. Ҳар бир мусулмоннинг қони, моли ва номуси мусулмонга ҳаромдир» (Имом Муслим ривояти).

Шарҳ:

Мусулмонлар оға-ини ва биродардирлар, уларни иймоний биродарлик робиталари боғлаб туради. Биродарнинг биродари устида айrim ҳақлари борки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни уларни билишга йўллаганлар, биродарликка зид келадиган ва уларни заифлаштирадиган ишлардан огоҳлантирганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Мўминлар ўзаро биродардирлар;
 2. Мусулмон кишининг мусулмон биродари устида ҳақлари бор.
- Уларга риоя қилиш лозим, бу борада қосирлик қилиш ярамайди.